

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБЖАНОВА ДИЛОБАР БАТИРОВНА**

**БЎЛАЖАК ДЕФЕКТОЛОГЛАРДА  
КАСБИЙ ИЖОДҚОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

<b>Якубжанова Дилобар Батировна</b> Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологияси . . . . .	3
<b>Якубжанова Дилобар Батировна</b> Технология развития профессионального творчества у будущих дефектологов . . . . .	25
<b>Yakubjanova Dilobar Batirovna</b> Technology of developing professional creative of future defectologists . . .	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works . . . . .	51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯКУБЖАНОВА ДИЛОБАР БАТИРОВНА**

**БЎЛАЖАК ДЕФЕКТОЛОГЛАРДА КАСБИЙ ИЖОДКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.03 – Махсус педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2017.3.PhD/Ped184 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Муминова Лола Рахимовна</b> педагогика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна</b> педагогика фанлари доктори <b>Назарова Дилдора Асатовна</b> педагогика фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Жиззах давлат педагогика институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Шарипов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Д.Д.Шарипова**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва ижтимоийлаштириш масаласи илмий жамоатчилик томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда. Дакар декларацияси асосида қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” режа-дастурига мувофиқ бутун жаҳонда умумий таълим тизимига инклюзив таълимни жорий этиш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, махсус таълим олдига бўлажак дефектолог-ўқитувчиларнинг таълим дастурларига мазкур таълим принципларини кенгроқ жорий қилиш ҳамда бунга эришишнинг муҳим омилларидан бири сифатида уларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантириш талабларини кўяди.

Мустақиллик йилларида республикамизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим ва мактабдан ташқари таълим тизими ҳамда замонавий талабларга жавоб берадиган дефектолог-мутахассисларни тайёрлаш тизими тубдан ислоҳ қилинди. Ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ўқувчиларнинг алоҳида хусусиятларини эътиборга олган ҳолда умумий ўрта таълимнинг давлат стандартига мувофиқ белгиланди ва махсус коррекцион тузатиш услубларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилиши жорий этилди. Ногирон болани илк ёшидан ташхис қилиш, коррекцион-педагогик амалий ёрдам кўрсатиш ишларини самарали амалга ошириш учун олигофренопедагогика, тифлопедагогика, сурдопедагогика ва логопедия йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш, ногирон, аҳолининг бошқа эҳтиёжманд тоифаларининг тўлақонли ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланиб, бугунги кунда бўлажак дефектологларнинг касбий компетентлигини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда бўлажак дефектологларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантиришда таълимда акмеологик ёндашувдан кенроқ фойдаланиш, бўлажак дефектологларнинг ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишга доир компетентлигини ривожлантириш, касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг модернизациялашган дидактик таъминотини яратиш, махсус таълим шароитида рақобатбардош дефектологларни тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – Б.70-71.

нуқсонлари бўлган ўқувчиларни ўқитиш технологияларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сонли Қарори, 2017 йил 1 августдаги “Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ф-5006-сонли Фармойиши ҳамда мавзуга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бўлажак ўқитувчиларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг концептуал асослари С.Альтшуллер, В.Андреев, В.Богословский, М.Давлетшин, Р.Джураев, Е.Дьяченко, И.Иванов, Е.Ильин, Е.Каганкевич, В.Лазарев, А.Леонтьев, Н.Малинникова, А.Матюшкин, А.Маслоу, А.Мелик-Пашаев, З.Нишонова, Л.Носкова, А.Роу, С.Рубинштейн, Н.Сафаев, Ў.Толипов, П.Пидкасистий, Ш.Шарипов, Д.Шарипова, Н.Эгамбердиева, Э.Ғозиевлар томонидан тадқиқ этилган.

Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларга таълим-тарбия бериш жараёнида дефектолог-мутахассисларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари М.Аюпова, Н.Дадахўжаева, Л.Муминова, Д.Нуркелдиева, Л.Нурмухамедова, Н.Рахмонкулова, У.Файзиева, Г.Шаумаров, Ф.Қодировлар томонидан ўрганилган.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликка доир компетентликни ривожлантиришнинг баъзи масалалари Б.Абдуллаева, Р.Агавелян, Н.Бекмуратов, S.Boyko, H.Brown, В.Воронкова, И.Галанова, Л.Гладун, Н.Glane, В.Генкина, Е.Колтакова, Д.Назарова, Н.Назарова, Л.Сербина, С.Foglin, Я.Чичерина, М.Ҳақимовлар томонидан тадқиқ этилган.

Бўлажак педагогларнинг ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан фойдаланиш компетентлигини ривожлантириш муаммоси А.Абдуқодиров, Н.Азизходжаева, У.Бегимқулов, Х.Ибрагимов, Р.Исянов, Ж.Йўлдошев, S.Kagan, Д.Маматов, Ш.Мардонов, И.Роберт, К.Роджерс, Д.Ровкин, Н.Сизинцева, Н.Тайлақов, Б.Ходжаев, Т.Шоймардоновларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бўлажак педагогларда касбий ижодкорликнинг назарий-методологик ва методик асослари педагогика фанида анча кенг тадқиқ этилган бўлса-да, бу муаммонинг махсус педагогикада етарли даражада ўрганилмаганлиги, бўлажак дефектолог-мутахассисларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган технологияларнинг мавжуд эмаслиги ҳамда махсус ва инклюзив таълим шароитида дефектологларни инновацион фаолиятга тайёрлаш механизмларини такомиллаштириш зарурати масаласи махсус тадқиқот доирасида ўрганилмаганлиги мазкур мавзунини танлашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-61. “Дефектология таълим йўналиши бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш жараёнига инновацион таълим моделларини татбиқ этиш” (2013-2014 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришда рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш;

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, компонентлари ва мезонларини аниқлаш;

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўқитиш жараёнида бўлажак дефектологларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантиришнинг локал-модулли технологиясини ишлаб чиқиш;

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда таълим ресурсларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** педагогика олий таълим муассасалари дефектология таълими йўналиши талабаларида касбий ижодкорликни ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** педагогика олий таълим муассасалари дефектология таълими йўналиши талабаларида касбий ижодкорликни ривожлантириш шакллари, методлари ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг таълим олиш тамойиллари асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, рағбатлантирувчи ва акс таъсир омиллари аниқланган;

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг мотивацион, когнитив, фаолиятга йўналтирилган ва креатив босқичларини лойиҳалаштириш асосида локал-модулли технология ишлаб чиқилган;

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фани бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган коррекцион ва ҳамкорликда ўқитиш ёндашувларини интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг эҳтиёж-рағбат, когнитив-ҳиссий ва маънавий-руҳий компонентлардан иборат модели касбий-муаммоли ва коррекцион вазиятларни лойиҳалашга йўналтирилган таълим муҳити тузилмаси асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фанининг ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуаси такомиллаштирилган; компетенциявий ёндашувга асосланган ҳолда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларининг 3, 4, 5, 6- синфлари учун “Математика”, дефектология йўналиши талабалари учун “Махсус педагогика” дарсликлари тайёрланган; “Махсус психология”, “Математика ўқитиш махсус методикаси (сурдопедагогика йўналиши бўйича)”, “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” ўқув қўлланмалари, “Махсус таълим жараёнига интерфаол усуллари татбиқ этиш” методик қўлланмаси тайёрланган; бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир тренинглар мажмуи ишлаб чиқилган; касбий ижодкорликнинг муҳим шарти сифатида бўлажак дефектологларни касбий фаолиятга тайёрлашга доир махсус курс дастури такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ёндашувлар, методларнинг республикамиз ва хорижда яратилган педагогика ва махсус педагогикага оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга, амалиётчи-ўқитувчиларнинг тажрибасига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги, тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти инсонпарварлик парадигмаси асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг ижтимоий, акмеологик, психологик ва педагогик омиллари ҳамда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг мотивацион-қадриятга йўналтирилган – ўзини ўзи такомиллаштириш, эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар билан ўзаро фаолиятни режалаштириш ва амалга оширишнинг муҳимлигини тушуниш; когнитив – эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш соҳасига доир аниқ билимларга эгалик, янги ахборотни ўзлаштириш усуллари билиш; фаолиятга доир – эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш ва улар



билан биргаликдаги фаолиятини лойиҳалаштириш, талабаларда эшитишида нуқсонни бўлган ўқувчилар билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатда рефлексив кўникмаларнинг намоён бўлиши (эмоционал ҳиссиётнинг адекватлиги, ўзини ўзи таҳлил этиш, ўзини ўзи баҳолаш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, танқидийлик); креатив – махсус таълим шароитида педагогик муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш ва натижага эришиш каби тўрт босқичи аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти педагогика олий таълим муассасаларининг дефектология йўналиши учун ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурлари мазмунига тадқиқот натижалари асосида тегишли кўшимча ва ўзгартиришларнинг киритилганлиги, бакалаврият таълим йўналишлари учун “Сурдопедагогика” ҳамда имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабларнинг “Математика” дарсликларини яратишга хизмат қилганлигида ўз аксини топади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик ресурслардан дефектологларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлашга, “Математика ўқитиш махсус методикаси” фанининг мазмунини касбий ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган коррекцион ва ҳамкорликда ўқитиш ёндашувлари асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан “Педагогика” таълим соҳаси бакалаврият таълим йўналишларининг ва махсус педагогика (сурдопедагогика) магистратура мутахассислигининг Давлат таълим стандарти мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 21 августдаги 303-сонли буйруғи). Натижада, педагогика олий таълим муассасалари дефектология йўналиши талабалари учун “Махсус педагогика (сурдопедагогика)”, “Махсус психология”, “Математика ўқитиш махсус методикаси” ва “Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанларидан ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар ҳамда ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари ўқувчилари учун “Математика” дарсликлари яратилиб, амалиётга татбиқ этилган;

касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг эҳтиёж-рағбат, когнитив-ҳиссий ва маънавий-руҳий компонентлари, бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик акмеограммаси ҳамда локал-модулли технологиясига оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 август 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Дефектология” йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог-кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 29 июлдаги 4/2-сон маълумотномаси). Ишлаб

чиқилган технология бўлажак дефектологларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 12 та республика конференциясида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 32 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 8 та, шундан, 7 та республика, 1 та хорижий журналда мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир замонавий ёндашувлар, бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ҳамда муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш давлатимизнинг таълим соҳасидаги устувор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Натижада жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш, бу соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, таълим тизимига инновацион методларни кенг жорий қилиш масалалари қатор қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топдики, уларда қўйилган талабларни амалга оширишда бўлажак ўқитувчи дефектологларнинг касбий ижодкорлигини ривожлантириш масаласи алоҳида долзарблик касб этади.

Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий олами инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкорлик фаолияти тушунилади.

Ижодкорлик деганда мавжуд тажрибани янгича ташкил қилиш ва билимлар, малакалар, маҳсулотларнинг янги комбинацияларини яратиш асосида моҳиятан янги моддий ва маънавий қадриятлар яратиш билан боғлиқ фаолият жараёни ёки янгилик яратиш қобилияти тушунилади. Ижодкорликнинг турли даражалари мавжуд: бир даражасида мавжуд билимлардан фойдаланилади ва уларнинг қўлланиш соҳалари кенгайтирилади; бошқа, юқорироқ даражасида эса бирон бир объект ёки билим соҳасига нисбатан одатланиб қолинган нуқтаи назарни ўзгартириб юборадиган мутлақо янгича ёндашув яратилади. Ижодкорлик илмий-педагогик адабиётларда инсоннинг фан, техника, ишлаб чиқариш, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиши билан боғлиқ мураккаб психологик жараён тарзида талқин этилган.

Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик хусусияти билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида талқин этилади. Сўнги вақтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. “Ижодкорлик” ва “креативлик” тушунчалари ўзаро синоним сўзлар сифатида ҳам қўлланилади. Ижодкорлик – бу муаллифнинг илҳоми, унинг истеъдоди, креативлик эса ижодкорлик қобилиятининг юксак даражаси. Ижодкорлик умумий тарзда маданий фаолият билан боғлиқ, креативлик эса субъект учун янги имкониятларни юзага чиқариш тарзида тавсифланади. Креативлик ижодкорликнинг алоҳида таркибий қисми (ҳосиласи) сифатида талқин этилиб, инсон салоҳияти, индивидуаллиги билан боғлиқликда олиб қаралади. Айнан шу ёндашув объектив жиҳатдан ўринли, шунинг учун креативликни шахс ижодкорлигининг энг юқори даражада намоён бўлиши сифатида қабул қилиш ва мазкур масалани айнан шу контекстда талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик ижодкорлик ўқитувчи томонидан муттасил ўзгариб турадиган таълим-тарбия жараёнида, талабалар билан мулоқотда оптимал ва ностандарт педагогик қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш демакдир. Педагогик ижодкорликнинг асосий вазифаси эса талабаларга ахборот (билим) беришнинг янги мақбул тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, уларни педагогик маҳорат чўққиларига эришишда педагогика илми ва амалиёти тўплаган билимларга дахлдор қилиш, уларда янги билимларни мустақил излаб топиш малакасини ривожлантиришдан иборат.

Бўлажак дефектологларни тайёрлаш нуқтаи назаридан ижодкорлик – бу ўқитувчининг махсус таълим шароитида жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга қаратилган яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчилик фаолиятдир, деган хулосага келинди.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш шахсининг ижодий фаолиятида ўз аксини топган ижодий салоҳияти, ижодий тафаккури, ижодий фаоллиги, ижодий қобилиятининг ривожланиши билан узвий боғлиқ бўлган жараёндир. Ижодий қобилият янгилик яратиш

зарурлиги ва мумкинлигини тушуниш, муаммони ифодалай олиш, ғоя, фаразни илгари суриш учун керак бўладиган билимлардан фойдаланиш, фаразни назарий ва амалий тасдиқлаш, муаммони ҳал қилиш йўлларини излаш ҳамда ечимини топиш ва пировард натижада янги оригинал маҳсулотлар яратиш (илмий кашфиёт, ихтиро, санъат асари ва бошқалар) сифатлари мажмуини ифода этса, ижодий фаолият – бу субъект фаолиятининг ўз меҳнатига (ишдан қониқиш, уни бажариш жараёнида янгиликка интилиш, муаммо ечимини топишда ижодий мотивация) муносабати ва масалани ижодий ҳал этиш (аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳамда фаолият усулларини янги ҳолатга мустақил кўчириш, муаммоли, маълум объектнинг янги функциясини кўра билиш) жараёнидир.

Диссертацияда бўлажак дефектологларнинг касбий ижодкорлигига берилган таърифга кўра, бу янгилик яратиш мақсадида турли-туман масалаларни ҳал қилишга қаратилган объектив ва субъективлик билан шартланган касбий фаолиятнинг қадриятли мазмунини бўлажак дефектологлар томонидан англаш ҳамда қабул қилиш, мазкур фаолиятнинг субъекти сифатида ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи ривожлантириш, махсус касбий фаолиятнинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш ҳамда унга эришиш усулларини индивидуал танлай олиш қобилиятидир.

Тадқиқот жараёнида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир замонавий ёндашувлар сифатида шахсий-фаолиятга йўналтирилган, аксиологик, рефлексив, компетенциявий ва акмеологик ёндашувлар танланиб олиниб, уларга асосланган ҳолда бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш мезонлари белгилаб олинди. Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир назарий ёндашувлар ва мезонларни аниқлаштириш жараёнида омилларнинг аҳамияти тадқиқ этилди.

Шундай қилиб, бўлажак дефектологнинг касбий ижодкорлиги объектив ва субъектив омиллар таъсирида ривожланади. Объектив омилларга педагоглар ва талабалар жамоасидаги ва, умуман, мамлакатдаги ижтимоий муносабатлар, фан ва техника тараққиёти, талабаларни тайёрлаш шарт-шароитлари ва воситаларининг такомиллашуви, ўқитувчилар педагогик маҳоратининг ортиши мансуб бўлса, субъектив омилларга жамиятда содир бўлаётган жараёнларга ўқитувчининг муносабати, унинг ахлоқий сифатлари, маънавий қадриятлари, касбига бўлган майли, педагогик фаолиятда ўзини ўзи намоён қилишга бўлган интилиши, унинг шахсий феъл-атвори киради.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини аниқлаштириш асосида қуйидаги хулосаларга келинди: педагогика фанида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир тизимли яхлит ёндашув қарор топмаган, шу боис мазкур муаммони шахсий-фаолиятга йўналтирилган, аксиологик, акмеологик, рефлексив, шунингдек, компетенциявий ёндашувнинг назарий жиҳатларига асосланган ҳолда ҳал этиш лозим; бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш ўз ичига

қуйидаги босқичларни камраб олади: махсус ва инклюзив таълим шароитида мазкур фаолият соҳасидаги касбий янгиликларнинг зарурлигини тушуниш ва лойиҳалаштириш; лойиҳалаштирилган ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда махсус таълим ва касбий-педагогик фаолиятнинг янги кадриятларини эгаллаш, натижаларини таҳлил этиш; бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг бир бутун яхлит технологиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг **“Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитлари”** деб номланган иккинчи бобида “Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўқитиш жараёнида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш имкониятлари олиб борилган тажриба-синов натижалари асосида ёритиб берилган, бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш акмеограммаси ҳамда омилларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов олиб бориш жараёнида “Математика ўқитиш махсус методикаси” фани доирасида бўлажак дефектологларда қуйидаги касбий-ихтисослаштирилган компетенцияларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди: бўлажак дефектологларнинг махсус таълим тизимида амалий вазифаларни ҳал этиш учун эгалланган билим, кўникма ва малакалардан фойдаланиш; эшитишида нуқсони бўлган болалар билан ишлашда толерантлик маданиятини намоён этиш; шахсга йўналтирилган, ижтимоий йўналтирилган таълим жараёнида эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг энг мақбул ривожланишини таъминлаш мақсадида табақалаштирилган ва индивидуал таълимни ташкил этиш; ўқувчи шахсини унинг шахсий, оилавий, ижтимоий ҳаётда ва меҳнат фаолиятида хулқ-атворнинг энг мақбул моделини шакллантириш орқали тарбиялаш; ўқувчиларни умумтаълим муассасаларида инклюзив (уйғунлашган) таълим шароитида ўқишга тайёрлаш; эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳиссий ривожланишлари, ҳаётий қобилиятларининг шаклланиши учун зарур коррекцион-ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш; ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг психик функциялари ва саломатлиги тизимли тарзда кузатилишини ташкил этиш; касбий ва шахсий ўзини ўзи ривожлантиришга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш.

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўрганиш жараёнида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди (1-расм):

Касбий-ихтисослаштирилган компетенцияларнинг таҳлили махсус методик компетентликнинг қуйидаги ўзига хос жихатларини аниқлаш имконини берди: кўп аспектлик, махсус фанни ўқитишга доир методикани яхлитликда эгаллаш зарурлигини асослаш, методик фаолиятнинг коррекцион-ривожлантирувчи йўналганлиги, вариатив методик вазифаларни ҳал этиш қобилияти.



**1-расм. “Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўрганиш жараёнида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг ташкилий тузилмаси**

Бўлажак дефектологларда махсус методик компетентликни шакллантириш дастлаб методик билимлар тизими ва методик фаолиятни амалга оширишнинг умумий усуллари ўзлаштириш зарурлигини кўрсатди ва ихтисослаштирилган мактабда математикани ўқитишнинг дедуктив усулини қўллаш имконини берди. Компетенциявий ва тизимли-фаолиятли ёндашувлар тамойилларига асосланган ҳолда бўлажак дефектологларда касбий методик компетентликни шакллантиришнинг қуйидаги шарт-шароитлари аниқлаштирилди: ташкилий – “Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўқитишда умумий ва хусусий методик даражаларни мувофиқлаштириш; методик фаолиятни ўзлаштириш – ҳаракатлар кетма-кетлигини эшитишида нуқсон бўлган ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари ва ўқув фанининг коррекцион имкониятларига мувофиқ алгоритмлашни кўзда тутди; ўзини ўзи идентификациялаш ва ўзини ўзи актуаллаштиришга қодир шахсни субъект сифатида шаклланишга йўналтириш – дефектология йўналишида касбий таълимдаги педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, “Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўқитиш, талабаларга таълим субъекти сифатида ёндашувни ташкил қилишга асосланади, бунда талабалар олдида ҳар бир қўйилган вазифанинг мақсади, мазмуни ва амалга ошириш методини аниқлашга йўналтирилган изчил хатти-ҳаракатлар технологиясини ўзлаштириш вазифаси қўйилади.

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фани талабаларнинг мустақил ва ижодий фикрлаши асосида эшитишида нуқсони бўлган болаларга математикани ўқитиш жараёнида коррекцион-тарбиявий ишларни амалга оширишга оид билимларни эгаллаш, мазкур фанни ўқитишга ижодий изланувчанлик билан ёндашиш, мулоҳазалар занжирини мантикий кўра олиш, қизиқарли материални танлаш, ўрганилаётган объектларнинг хоссаларини исботлаш каби кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Мазкур фанни ўқитишда талабаларнинг ижодий фаолиятга йўналтиришга доир иш шакллари сифатида визуал, муаммоли, пресс-конференция, интерфаол маъруза машғулотлари, рефлексив, изланишга доир машғулотлар, “дидактик ўйин”, “давра суҳбати”, “ақлий ҳужум”, коллоквиум амалий машғулотлари, виртуал амалий машғулотлар ҳамда интерфаол методлар самарали татбиқ этилди.

Таълимий тажриба-синов ишлари, “Математика ўқитиш махсус методикаси” фани доирасида аниқ вазиятларнинг ечимини излаб топишга йўналтирилган маъруза ва амалий машғулотлар талабаларда ижодкорликни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатди. Муаммоли топшириқлардан фарқли равишда аниқ ҳаётий вазиятлар асосида лойиҳалаштирилган маъруза ва амалий машғулотлар бир пайтнинг ўзида мультимедиа ва видеофильмлардан фойдаланиш имконини ҳам берди. Талабалар кичик ҳажмли кейс-топшириқларни аудиториянинг ўзида таҳлил этиб, бутун гуруҳга ўз нуқтаи назарини баён қилди. Профессор-ўқитувчи талабаларга ёрдамчи саволлар билан мурожаат қилди ва аудиторияда мунозара вазиятини жадаллаштириб борди. Машғулот сўнгида жамоавий ижодий фаолиятни ташкил этиш асосида якуний хулосаларга келинди.

“Математика ўқитиш махсус методикаси” фанини ўқитиш жараёнида талабаларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир интерактив амалий машғулотлар тизими ишлаб чиқилди. Масалан, “Эшитишида нуқсони бўлган болаларни масалалар ечишга ўргатиш методикасини эгаллашларида ёрдам бериш” мавзусидаги амалий машғулот қуйидаги алгоритм асосида ташкил этилди: I. “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида таянч тушунчаларни аниқлаштириб олиш. II. “5x5x5” методидан фойдаланиб талабаларга мавзу бўйича билимларни ўзлаштиришларида ёрдам бериш. III. Савол-жавоб асосида давра суҳбатини ташкил этиш. IV. “Қора кути” методини қўллаган ҳолда ўзлаштирилган тушунчаларни мустаҳкамлаш. V. “Бешинчиси ортиқча” методи ёрдамида ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш.

Акмеологик ёндашув бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг илмий асоси сифатида педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг ўзларини таълим-тарбия жараёнининг иштирокчилари, касбий фаолиятнинг етук шахслари ва фаол субъектлари тарзида намоён қилишларини кўзда тутади ҳамда уларнинг субъект ва мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи такомиллаштириши учун шароит яратади. Касбий ижодкорликнинг ривожланиши турли-туман қобилиятларнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Шахснинг ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи ривожлантириш,

ўзини ўзи намоён қилишини тақозо этадиган акмеологик қобилиятлар дефектологнинг касбий фаолияти жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ уларнинг айнан жадал ривожланиши аутопсихологик компетентликнинг ривожланиши натижасида содир бўлади.

Акмеологик ёндашув асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш тизимининг марказий бўғини сифатида самарали ижодий фаолиятга қобилиятлиликини акс эттирувчи креатив таркибий қисм акс этади. Айнан креативликни ривожлантириш акмеологик ёндашув асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг бош мақсадларидан биридир. Тез ўзгарувчан ҳозирги замон шароитида инновацион фикрлашга қобилиятлилики бўлажак дефектологнинг муҳим касбий сифатларидан биридир.

Тадқиқот доирасида аутопсихологик компетентлик нуқтаи назаридан креатив қобилиятлар уч гуруҳга бўлиб тасниф этилди:

шахсий-касбий соҳага ўз таъсирини кўрсатувчи аутокогнитив қобилиятлар: рефлексия, идентификация, интериоризацияга қодирлик; ўз қарашлари, эътиқодлари, қоидаларини ўзгартиришга қодирлик; тесқари алоқага қодирлик. Интеграциялашган аутокогнитив қобилият бу ўзи тўғрисидаги янги турдаги билимларни “Мен” концепцияси кўринишида шакллантириш ва ривожлантиришга бўлган қобилиятдир;

шахснинг типологик аутопсихологик ўзига хосликлари: шахснинг ўз фаолияти, ўз қобилиятларини англаб етишга қодирлиги; ўз иши ва ўзида камчиликлар сабабларини кўра олиш қобилияти; ўзини ўзи ривожлантиришга интилиш;

ўзини ўзи намоён этувчи шахсда креатив мақомнинг мавжудлиги: ўзига, ҳаётга ижодий муносабатнинг мавжудлиги; ўзига ўзи йўналганликнинг юқори даражада ривожланганлиги; ўзига ва уни ўраб турган атроф-муҳитга ишонч; ўз хоҳиш-истаклари ва эҳтиёжларини тўлиқ тушуниб етиш.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришда келажакдаги мақсад ва интилишлар йўналишларини белгилаб берувчи муҳим восита – акмеограмма алоҳида аҳамият касб этди. Акмеограмма шахснинг касбий малакаси ва конкрет меҳнат тури субъектлари фаолиятининг ривожланишига ёрдам берадиган талаблар, шароит ва омиллар тизимини аниқлаш имконини беради. У профессиограмма (касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари ва мутахассисга қўйиладиган талабларни ўзида акс эттирган муайян касбга хос хусусиятлар мажмуи) ва психограммага (муайян касбда самарали профессионал фаолият юритиш учун керак бўладиган инсоннинг психологик хусусиятларини ўзида ифода этади) нисбатан шахс индивидуаллигини юқорида даражада намоён этиши билан фарқланади.

Акмеограмма натижалари бўйича бўлажак мутахассиснинг касбий ўсиш динамикаси, касбий ижодкорликнинг ривожланишини рағбатлантирувчи ва бунга тўсқинлик қилувчи омиллар, мотивацион муҳит хусусиятлари ва шахсий-касбий ривожланиш учун қандай акмеотехнологиядан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш имкони туғилди.



Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга доир таълимий тажриба-синов ишларининг якуний босқичини амалга оширишдан аввал мазкур жараённинг самарадорлигини рағбатлантирувчи ва тўсқинлик қилувчи омилларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Шу мақсадда махсус сўровномалар ишлаб чиқилди: биринчи сўровнома саволлари дефектолог-талабаларнинг ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган қобилиятини аниқлашга қаратилди. Бунда талабалар ўз имкониятларини ўзлари баҳолади. Иккинчи сўровноманинг мақсади талабаларда касбий ижодкорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган ва бунга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга қаратилди. Сўровнома икки блокдан иборат бўлиб, унинг биринчи блокадаги саволлар талабаларда касбий ижодкорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган омилларни аниқлашга ёрдам берса, иккинчи блоки бунга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлашга ёрдам берди.

Сўровнома маълумотларининг статистик таҳлиliga кўра, рағбатлантирувчи омилларнинг ўзини ўзи ривожлантиришга бўлган таъсири IV курс талабаларида нисбатан юқори бўлиб (33,9 + 39,7) 73,6% ни ташкил қилди. Иккинчи ўринда I курс талабалари (34,7 + 32,0 = 66,7%), учинчи ўринда III курс талабалари (29,0 + 22,7 = 51,7%) ва тўртинчи ўринда II курс талабалари (20,3 + 30,1 = 50,4%) туради.

Тўсқинлик қилувчи омилларнинг I курс талабаларига таъсир кўрсатиш даражаси бошқа курсларга нисбатан юқори (49,3%) эканлиги аниқланди. IV курс талабаларининг кўрсаткичлари таҳлили биринчи курсникидан 4,1 фоиз кам эканлигини кўрсатди (45,2%). II ва III курслар талабаларига тўсқинлик қилувчи омилларнинг таъсири мос равишда 43,5% ва 36,5 %ни ташкил этди.

I-IV курслар бўйича натижаларнинг қиёсий таҳлили талабаларнинг ижодкорлик фаолиятига, айниқса, касбий билимларни эгаллашда кўп ҳолларда вақтнинг етишмаслиги (39,1%), имкониятларнинг чекланганлиги, мураккаб ҳаётий вазиятлар (40,7%), талабанинг аввалги муваффақиятсизликлар ва мағлубиятлар оқибатида умидсизликка тушганлиги (38,5%) каби омилларнинг тўсқинлик қилиши аниқланди. Касбий ижодкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи етакчи омиллардан яна бири бу шахсий лоқайдлик, ҳафсаласизлик (45,5%) шкаласи бўйича қайд этилди. Факторли таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик талабалар вақтларини тўғри тақсимлаб, ундан унумли фойдалана олмайдилар. Тадқиқот натижаларининг таҳлили бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришга йўналтирилган ижодий жараён муайян мазмун, методлар, воситалар ва педагогик шарт-шароитларга эга бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг технологик-диагностик тизими”** деб номланган учинчи бобда бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологияси ҳамда таълимий тажриба-синов ишлари натижалари ёритиб берилган.

Акмеологик ёндашувга доир назарий-методологик ғоялар ўз навбатида мазкур ёндашув асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқишни тақозо этди. Ана шу мақсадда акмеологик ёндашув асосида бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси ишлаб чиқилди (2-расм).



## 2-расм. Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантиришнинг локал-модулли технологияси

Технология ўзаро боғланган мотивацион-кадриятли, когнитив, фаолиятга йўналтирилган, креатив компонентларни қамраб олади.

Технологиянинг мотивацион-кадриятли компоненти мотивацион ва кадриятли қисмлардан ташкил топган. Мотивацион таркибий қисм ўзида қуйидаги жиҳатларни акс эттиради: билишга доир ва касбий мотивацияни ўзаро уйғунлаштиришдаги барқарор ички эҳтиёжнинг мавжудлиги; самарали фаолиятга интилиш; касбий фаолиятга доир жараёнларда фаол иштирок этиш иштиёқи; ўзини ўзи намоён этиш эҳтиёжи.

Технологиянинг когнитив компоненти бўлажак дефектологларда интеллектуал фаолиятнинг, яъни фикрлашнинг ўзига хослиги, тезлиги, ақлий ҳаракатларнинг тизимлилиги, таҳлил ва умумлаштириш қобилиятининг юқори маҳсулдорлигига эришишга қаратилган.

Фаолиятга йўналтирилган компонент ўз ичига ижодий вазифаларни ҳал этишнинг гностик (билишга доир), лойиҳалаштиришга доир, коммуникатив ва ташкилотчилик унсурларини қамраб олади. Фаолиятга йўналтирилган компонент бўлажак дефектологнинг касбий ижодкорлик даражасини, уни янада ривожлантириш йўллариини белгилаш мақсадида, аниқлаш имконини беради.

Технологиянинг креатив компоненти ўқув, тарбиявий, тадқиқотчилик фаолиятларга талабаларнинг ижодий ёндашувини кўзда тутуди, ижодий фикрлаш, ижодий ўқув, тарбиявий, тадқиқотчилик фаолиятига қобилиятлилик, янгилик яратишга интилувчанлик, педагогик вазифаларни оқилона ҳал этиш, ўз фаолиятини мустақил лойиҳалай олиш, касбий ижодий вазифаларни ҳал этишга имкон берувчи фикрий вазиятларни шакллантириш каби сифатларнинг ривожланганлигини тақозо этади.

Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга доир тажриба-синов ишларини амалга оширишда дастлаб мотивацион, когнитив (билишга доир) ва фаолиятга доир мезонлар ҳамда ушбу мезонларнинг кўрсаткичлари белгилаб олинди: мотивацион мезон кўрсаткичлари:

